

БОШЛАШҒИЧ СИНФЛАРДА ДАРСНИНГ МАҚСАДИНИ ТЎҒРИ БЕЛГИЛАШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Бакиева.М.К

21.05.1973 йилда

туғилган Андижон

вилояти халқ таълими

ходимларини қайта

тайёрлаш ва уларни

малакасини ошириш

институтини ўқитувчиси

Маълумки, ўқув машғулотларини ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланади. Бошланғич синфларда шахсга йўналтирилган замонавий дарс, фикримизча нафақат ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадга йўналтирилган муносабатлари жараёнини ташкил этишнинг динамик ва вариант шакли, балки ташқи муҳит, энг биринчи навбатда ахборот тармоқлари билан боғланган ривожланувчи тизимдир. Ташқи таъсирлар ва ички зиддиятлар туфайли дарс ривожлантирилади. Таълим жараёнини амалга оширишнинг асосий шакллари билан бири бўлган дарс бизга маълум бўлган қуйидаги компонентлардан тузилади: таълим мақсади, ўқув материали мазмуни, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари, ўқитишнинг усуллари ва реал натижадан иборат.

Мақсад - инсон у ёки бу фаолияти жараёнида эришиши лозим бўлган дастурлаштирилган натижа. Мақсад ташхисланувчан (текшириб кўриладиган) ва амалга ошириладиган (эришиладиган) бўлиши лозим.

Мақсадлар икки турда бўлади: ўқитувчи фаолияти мақсадлари ва ўқувчи фаолияти мақсадлари. Ўқитувчи фаолиятининг мақсадлари, энг аввало, ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

-ўқувчиларда лаёқат, қизиқиш, мойиллик каби индивидуал ижобий хусусиятларни ривожлантириш;

-ўқувчиларда интеллектуал, тадқиқотчилик, ахборот олиш ва улардан фойдаланиш, мулоқот ўрната билиш, рефлексив фаолият билан боғлиқ маданиятни ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг ўрганилаётган фанга нисбатан шахсий муносабатларини ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг атроф-борлиққа муносабатини ривожлантириш.

Ҳозирги кунда педагоглар томонидан "шакллантиришлар" тарзида ифода этилаётган ўқитиш мақсадлари ўз моҳияти-мазмунини ўқитувчи ва ўқувчининг дарсдаги ўзаро муносабатлари жараёнини тўла акс эттира

олмайди. Бизнинг назаримизда:

-ўқувчиларнинг янги мавзуни ўрганиш лойиҳасини таасаввур қила олишига ёрдамлашиш;

-ўқувчиларнинг далиллар, тушунчалар, қоидалар, қонунлар ва бошқаларни ўрганиши ва ўрганганларини мустаҳкамлаш бўйича дастлабки ишларни ташкил этиш;

-ўрганилган тушунчалар, қоидалар, қонунлар, кўникмаларни мустаҳкамлаш;

-ўқувчиларни ўрганган билим ва малакасини хилма-хил шароитларда мустақил қўллай билишга ўргатиш бўйича амалий фаолиятлар;

-ўқувчиларнинг мавзулар бўйича ўзлаштирган билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича амалий фаолият;

-мавзу бўйича ўқувчиларнинг билими, уқуви, малакасини ошириш, мустаҳкамлаш ва назорат қилиш;

-ўқувчиларнинг билим, ўқув малакаси қоррекцияси бўйича амалий ишларни бажариш каби мақсадлар ўрганилаётган ўқув материални янада сифатлироқ ўзлаштиришга имкон яратади.

Мазмун дарснинг асосий негизи бўлиб, ўрганилаётган материалнинг аҳамиятини очиб беради. Мазмун нафақат назарий маълумотларни, балки ўқувчининг ақлий фаолияти кетма-кетлигини акс эттирувчи масалалар, машқлар ва ўқитувчилар саволларини ҳам ўз ичига олади.

Ўқув материаллини ўзлаштириш жараёнида шахсининг танлаш эркинлиги, ўз фаолияти манбаига онгли рефлексив муносабат, мақсадга суяниш, инсоний муносабатлар ва тевақаратрофдаги буюмларга эстетик баҳо бериш, уларни иқтисодий ва экологик баҳолаш, қабул қилинган қарорларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш каби вазифалари намоён бўлади.

Педагогика фани ва амалиётида ўқитишнинг жуда кўплаб усул ва услублари мавжуд. Ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришиш учун ўқитувчи улардан самарали ва ижодий фойдаланиши лозим. Педагогикада турли лаборатория иши, тадқиқот усули, ўқитиш дастури асосидаги мустақил иш (дастурлаштирилган ўқитиш), китоб билан мустақил ишлаш.

Имитацион усуллар (ўйинсиз машғулотлар): аниқ ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил этиш, ишлаб чиқариш вазиятларига боғлиқ масалалар ечиш, кўрсатмалар бўйича машқ-фаолият (кўрсатмалар бўйича лаборатория ва амалий ишлар бажариш), ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида индивидуал топшириқлар бажариш.

Ўйин усуллари: тақлид асосидаги фаолият, рол ўйнаш (иш ўйинлари элементлари), иш ўйини.

Ўқитишнинг фаол усуллари билишга бўлган қизиқишни орттиради, фикрлашга, мустақил билим олишга ўргатади.

Бироқ, улар кўп вақт талаб этади. Шунинг учун бутун ўқув жараёнида уларни қўллаб бўлмайди. Улар билан биргаликда анъанавий усуллар, яъни маъруза, тушунтириш, ҳикоя ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитишнинг ахборот-ривожлантирувчи усуллари ёрдамида ўқувчилар тайёр ҳолдаги ўқув материалларини ўзлаштирадilar. Улар ўқитувчи (маъруза, ҳикоя, тушунтириш, суҳбат) ёки диктор (ўқув кинофильми) баёнини тинглайдilar ёки ўқитиш дастури асосида мустақил билим оладilar, дарслик ва қўлланмалардаги ўқув материалларини ўрганадилар.

Ўқитишнинг муаммоли-изланиш усуллари: бу усулларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бунда ўқувчилар олдига масала (муаммо) қўйилади. Улар бу масалаларни мустақил ҳал қилади. Бунинг учун эса улар янги билимлар излайдилар, "кашфиётлар қилади", назарий хулосаларини шакллантиради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Бошланғич синфларда ҳар бир дарсда мавзу мазмунидан келиб чиқиб, мақсаднинг тўғри ва аниқ белгиланиши ўқув-тарбия жараёнининг муҳим шартларидан саналади. Шу асосда ўқитувчи ўз меҳнатининг натижаларини кўра олади,

ўқувчиларнинг билиш қобилияти ва имкониятларини тўғри ва аниқ белгиланиши ўқув-тарбия жараёнининг муҳим шартларидан бири саналади. Шу асосда ўқитувчиларнинг билиш қобилияти ва имкониятларини тўғри баҳолашга, янги материал ҳажмини тўла ўзлаштирилишига, ўтилган мавзу билан алоқани тиклашга, дарс давомида эгалланиши лозим бўлган асосий тушунчаларни фарқлаш имконияти юзага келади.